

Ishonch

2019 йил 26 февраль • сешанба • № 27-28 (4157)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жиззах вилояти

Зиё масканлари кўпаймоқда

Жиззах шаҳрида янги китоб дўкони очилди. Кўркам бинода жойлашган бу маърифий масканда турли жанрлардаги 1200 номдаги 20 мингдан ортиқ китоб борлиги китобхонларни қувонтирмоқда. Дам олиш кунлари ҳам ишлаши кутилаётган дўконда ҳозирча 12 нафар ёш иш билан таъминланди. Тез орада ходимлар сонини 35 нафаргача олиб чиқиш режалаштирилган.



Маъмурада китобсеварлар учун сифатли ва мақбул нархлардаги китоб маҳсулотларидан ташқари, турли акциялар орқали китобхонликни кенг тарғиб қилиш йўлга қўйилади. Масалан, «Энг китобхон мактаб», «Омадди китобхон», «Туғилган кун» каби акциялар ҳамда турли

хуудларда ташкил этиладиган китоб маҳсулотлари сайёр савдоси мутаола қилувчилар сони кўпайишига, бола-жонларнинг китобга бўлган меҳри ошишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутаолааси ва китобхонлик мадания

тини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган бу хайрли ишдан Жиззахликлар беҳад мамнун. Бунинг дўконга келадиганлар сони кундан-кун ортаётганлигидан ҳам билса бўлади.

Алижон Абдурахмонов, «Ishonch» мухбири

Ғалла ҳосилдорлигини янада ошириш бўйича долзарб чора-тадбирлар белгилаб берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 25 февраль кuni озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўлган ғалла парваришини тизимли ташкил этиш ва ҳосилга-ҳосил кўшиш бўйича долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўтган йили об-ҳаво ўта иссиқ ва қуруқ келгани, жанубий вилоятларда сув танқис бўлганига қарамай, фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар гектардан ўртача 45 центнердан ҳосил олиниб, жами 5 миллион 200 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди.

Бу йил эса ёғингарчилик миқдори ўтган йилга нисбатан икки марта, аввалги йилларга қиёсан 1,3 баробар юқори бўлмоқда. Мисол учун, Тошкент вилоятларида сув омборида 1 миллиард куб метр, Чимкўрғон, Пачкамар ва бошқа сув омборларида ўтган йилга нисбатан 2-3 баробар кўп сув йиғилди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув таъминоти яхшилаш учун Сардоба сув омбори ишга туширилди. Бу ўтган йилга нисбатан анча кўп ҳосил олиш имконини яратди.

Яна бир муҳим жиҳат — фермерларни рағбатлантириш учун 2019 йилда буғдойнинг ҳар бир тоннаси учун 1 миллион 200 минг сўм ёки ўтган йилга нисбатан 1,6 баробар юқори харид нархи белгиланди. Юқори ҳосил олган фермерларга давлат харид нархига 25 фоизгача, яъни ҳар бир тонна дон учун 300 минг сўмгача устама қўллаш тизими жорий қилинди. Бу эса мўл ҳосил етиштиришга катта туртки бўлади.

Қолаверса, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар ўз вақтида жойларга етказиб берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳосилдорликни ва дон етиштириш ҳажмини ўтган йилга

нисбатан камида 30 фоизга ошириш учун барча имконият мавжуд.

Йиғилишда ғалла ривожини ҳолати ҳар бир ҳудуд мисолида танқидий таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Қашқадарё вилоятининг Миришкор, Қарши, Ғазор, Чироқчи ва Косон туманлари, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Пастдарғом туманлари, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Шароф Рашидов, Зафаробод туманлари, Сирдарё вилоятининг Ховос, Оқолтин ва Гулистон туманларида ғалла ривожини ортада қолган. Тошкент, Наманган ва бошқа вилоятларда ҳам зарур агротехник тадбирлар талаб даражасида амалга оширилмаган.

Видеоселектор йиғилишида бу каби камчиликларни бартараф этиш, ҳосилдорликни ошириш, қўшимча дон ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берилди. Жорий йил ғаллачилик учун қулай келадигани, бундан оқилона ва самарали фойдаланиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўл ва арзон бўлишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Юртимиз табиати — Яратганининг инъоми. Ғалла, дон эса асосий истеъмол товарларидан бири. Ғалладан мўл ҳосил етиштирсак, дон ишлаб чиқариш кўпаяди, озиқ-овқат маҳсулотлари арзон бўлади. Бу жуда муҳим, халқимиз фаровонлиги билан боғлиқ масала, деди Шавкат Мирзиёев.

2

МУСТАҲКАМ ОИЛА

Ватанимиз тараққиётининг муҳим омилidir

Тараққиётнинг янги босқичидан дадил одимлаётган Ўзбекистон учун ўтган йил улкан ўзгаришлар, шиддатли ислохотлар, билим ва тажрибалар, янгидан янги ютуқ ва марраларга бой бўлди. Айниқса, оила институтини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини олиб боришнинг мутлақо янги, истиқболли тизими шакллантирилди.

Президентиимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ягона тизим сифатида ташкил этилгани, унинг барча хуудларда бошқарма ва бўлимлари очилгани оилалар билан ишлаш тизимига ҳаётий, замонавий, илғор технология ва тажрибаларга таянган самарадор механизмларни жорий қилиш имконини берди.

Марказнинг асосий вазифаси сифатида жамиятда замонавий намунали оила мезонларини жорий этиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини оилани мустаҳкамлаш тўғрисида бирлаштириш, бу борада самарали ягона давлат сиёсатини юритиш, мамлакатда фақат соғлом оила соғлом жамият устуни бўлиши тўғрисидаги тушунчани аҳоли онига синдириш каби мақсадлар белгиланди.

Бу мақсадлар йўлида етакчи олимлар, психологлар, ҳуқуқшунослар, оилашунос мутахассис ва экспертларни фаолиятимизга кенг жалб этдик. Оилавий муаммоларни тизимли асосда бартараф этиш мақсадида 10 дан зиёд тадқиқотлар ўтказиб, шу асосда ишлаб чиқилган бир қатор илмий таҳлил ва тавсияларни мутасадди ташкилотларга тақдим этдик.

Жумладан, Сирдарё вилоятида ажралиш ҳолати қайд этилган 250 дан ошқ оилада бу кўнгилсиз ҳодисага сабаб бўлган оқибатларни ўрганишга қаратилган тадқиқот ўтказдик. Унинг натижалари бўйича тайёрланган «Оилани мустаҳкамлаш ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ре



Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори

жаси» Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиб, ижрога йўналтирилди. Ўтган йили хуудий бошқарма ва бўлимларимиз томонидан тегишли ташкилот-муассасалар билан биргаликда тизимли комплекс чора-тадбирларнинг ижроси таъминлангани боис республика бўйича ажралиш арасида турган 25 826 та низоли оилани иши судга етиб бормасдан ижобий ҳал этилди.

2


Кун иқтибоси

Осиё олимпия кенгаши ва Ўзбекистон МОҚ экспертлари хулосаси: Ўзбекистон Президентининг сўй-ҳаракатлари ва кўмагида спортнинг ривожлантирилиши, барча сабаб ва омиллар бизни бир хулосага олиб келадики, Тошкент ва Самарқанд Осиё ўйинларини ўтказишга тайёр ва мезбонлик қила олади.

Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад ас-Сабоҳ, Осиё Олимпия Кенгаши (ОСА) президенти

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»



СЕНГА ИНСОФ БЕРСИН, УЧИНЧИ ОДАМ Ёхуд коррупция ҳолатига бир назар

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

«КУЧНИНГ ЕТМАСА, ТОШ БИЛАН УР...» баъзи оталарнинг ўғлига ўргатгани

Oila va jamiyat

«ЙЎЛДАГИЛАР» ҚАЧОН ТУЗАЛАР?

USTAZ JOLI

ШАКАР ДЕБ АЙТИЛГАН ЮК МИНЕРАЛ ЎҒИТ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Qashqadaryo

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси 2019 йил 28 февраль кuni эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 27 февраль кuni соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАМАСИ БИЛАН

ОЛТИН ЎЛКА

«Йўлдаги ўйлар» туркумидан

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ХАЙРЛИ ТАКЛИФЛАР

..Айланма йўлдан айлана-айлана буюк Шароф Рашидов қурган ўқдек тўғри сўқоққа чиқдик. Буюк Шароф Рашидов бу буюк сўқоқни УЛУҒ ИПАК ЙЎЛИ лойиҳаси асосида қурдирган. Лойиҳа очунолар Темурда сақланган. Қонли парчаланишлар силсиласида у ўз даврининг етук инсони

Файзулла Хўжа қўлига ўтган. Аммо лойиҳа унинг иккинчи хотини Фотима (озар қизи) хонимда (мен бу хонимнинг Москвадан унга узоқ бўлмаган уйида қўноқ бўлганман) қолади. Фотима хоним эса лойиҳани Шароф Рашидовга беради.

Буюк Шароф Рашидов оламшумул тарихга эга бўлган сўқоқни замонавий усулда қайта қурдиради. Мен бу улуғ сўқоққа шу икки номдан бири берилишини таклиф қиламан:



Зейр ТУРОН

УЛУҒ ИПАК ЙЎЛИ, ШАРОФ РАШИДОВ ЙЎЛИ. Нераки, Шароф Рашидов ўз миллати учун буюк хизмат қилган шахсдир. Унинг мана бу ишлари, айниқса, бекиёсдир: Тошкент метроси, Тошкент — Термиз йўли. Яна халқни уйқудан уйғотувчи: «Кашмир кўшиги»...

4

Бошланғич
ташкilotларда

Зарур дамда елкадош

Қашқадарё
вилояти

Қарши шаҳридаги «Дунё-М» акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси томонидан ходимлар манфаати йўлида амалга оширилаётган ишларга назар ташлаб, жамоа шартномасига кўра анчагина ижтимоий ҳимоя тадбирлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Жумладан, Янги йил байрами муносабати билан ҳар бир ходимга 4 килограмдан гўшт, 60 дона тухум, 5 кг макарон, болаларга «Қорбобо совғаси», шунингдек, 250 минг сўмдан байрам пули берилди. Корхонада ишлаб пенсияга чиққан faxрийлар ҳам эсдан чиқарилмади.

Уй-жой қуриш ташвишида юрган ходим Лазиз Худойбердиевга қурилиш материاللари харид қилиши учун ёрдам кўрсатилди.

Ўғил уйлаган, қиз чиқарган ходимларга эса энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорда моддий кўмаклашиш, қолаверса, тўй соҳибларига қимматбаҳо совғалар қилиш одат тусига кирган.

– Корхонамизда 670 нафар ходим меҳнат қилади, – дейди корхона касба кўмитаси етакчиси Шухрат Файзиев. – Асосан, ғалла қабул қилиниб, ун, омухта ем, нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Жамоа катта. Бироқ ҳеч ким эътибордан четда эмас. АЖ бошқаруви раиси Зокир Якубов қулай меҳнат шароитлари, муносиб рағбат ва кучли ижтимоий ҳимоя ходимларнинг иш унумдорлигига таъсир қилишини теран англаган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

2018 йилда ходимларнинг 114 нафар фарзанди Яқкабоғ туманидаги «Соҳибқирон» оромгоҳида дам олдирилди. Эътиборлиси, йўлланма харажатлари тўлиқ корхона ҳисобидан қопланди. Шунингдек, 50 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Ишчи-ходимлар йилига икки марта махсус кийим, пойабзал ва ювиниш воситалари билан таъминланган.

Зарур дори-дармонлар билан таъминланган тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчаси ҳам ишчилар хизматида.

Корхонанинг ҳомийлик ишлари ҳам кенг қўллади. Йил давомида Қарши шаҳридаги «Мурувват уйи», Шайхали кўрғонидаги 18-умумтаълим мактаби, «Шайх Али» ва «Шайх Али шаҳарча» маҳалла фуқаролар йиғинидаги қишлоқларда яшовчи ногирон ва эҳтиёжманд оилаларга турли ҳомийлик ёрдамлари бериб келинаптир.

Камол МУРОДОВ

Малака ва маҳорат сабоқлари

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Ўқув марказида Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси бошланғич таъкилотлари раисларининг малака ошириш бўйича ўқиши бўлиб ўтди.

Бир ҳафталик ўқув давомида тармоқ касба уюшмаси Республика кенгашининг масъул ходимлари, олий ўқув юртлари олимлари тегишли йўналишлар бўйича дарслар ўтишди. Касба уюшмаси фаолиятини тўғри ташкил этишга бағишланган машғулотлар ўзаро фикр алмашув тарзида ўткази-

Ибрагимов ҳамкасбларга кўмита фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Тошкент политехника музейига ташкил қилинган саёҳат ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

Ўқув сўғида компьютер дастури асосида тест синовлари ўтказилди. Тест натижаларига кўра, тингловчиларга сертификатлар топширилди.

Шодия АЮПОВА,

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси

Самарқанд
вилояти

Самарқанд вилоятидаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ташаббускор, фаол, жамоатчи ёшлар касба уюшмалари томонидан рағбатлантирилди.

Ёшларга рағбат

Сумбула Раҳимова Самарқанд давлат университети педагогика факультети 2-босқич талабаси. У нафақат ўқишдаги муваффақияти, балки жамоат ишларидаги фаоллиги билан ажралиб туради. Универ-

ситет раҳбарияти тавсиясига мувофиқ Сумбулага касба уюшмалари стипендияси тайинланди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали лаборанти Зухра Дўстова

эса касба уюшмалари кўмағида саломатлигини мустаҳкамлаб олиш имконига эга бўлди.

Талаба ва ўқувчиларни соғломлаштириш, уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш куйи тизим тармоқ касба уюшмалари томонидан ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Ақбар АБДУСАИДОВ,

Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бухоро
вилояти

Зарариқнинг биллур сувлари

Хивалик Нигора оёқ оғриғига чидай олмагач шифокор ҳузурига борди. Улар физиотерапия муолажалари олиши зарурлигини айтишгач, қиш чилласида бўлса ҳам санаторийга боришга қарор қилди. Шу баҳонада ҳаво алмашса, янаям яхши. Танишлари унга Бухородаги «Жўйзар» сўхатгоҳини тавсия қилишди.

– Шароитлари аъло даражада. Хизмат кўрсатиш юқори савияда. Мен республика миқдорида ҳамма санаторийларда бўлганман. Ушбу сўхатгоҳга ўтган йили икки марта бордим.

Меҳнат факрийси, 84 ёшли онахон Лениза Асқарова шундай деб турганда кейин, кимнинг ҳам ҳаваси келмайди дейсиз.

Нигора ҳам қайдасан «Жўйзар» дея йўлга тушди. «Хива – Бухоро» поезди қатнови йўлга қўйилгани айтиш мумкин. Ҳамроҳлар билан сўхатлашиб, қандай этиб келишганини билмай қолди.

Чўлдаги БАҲАВО ҲУДУД

«Нукус – Бухоро» йўлидан келаётиб, қадим шаҳарга етмай, ўнг томонга бурилиб, Жўйзар ариғи бўйлаб борсангиз ҳавонинг енгиллигини ҳис қиласиз. Санаторий дарвозасидан кирган эса ҳаво кислородга янада бойлигини сезасиз. Бунинг сабабини ҳам пайқайсиз: ям-яшил арчалар ҳам кўзингизни қувнатди, ҳам танангизни яйратади. Бухоро туманининг «Работи қалмоқ» маҳалласида жойлашган «Жўйзар» соғломлаштириш масканида кишин-ёзин ободонлаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратилади. Бинолар атрофлари боғ, гулзор. Асосий бино олдида фаввора қад ростлаган.

– Ўтган йили май ойларида келганимда бу ернинг гўзаллигидан ҳайратланганман, – дейди хоразмлик меҳнат факрийси Марям Алимова. – Тоza ҳаводан симириб-симириб нафас олсан. Сўрилар, ўриндиқлар кўпчилиги табиат қўйнида мириқиб дам олишингизга имкон беради. Эрта тонгдан то кечгача мумтоз мусиқаларни овозкучайтиргичлар ёрдамида ҳудуднинг истаган бурчагида эшитиш мумкин.

Ҳар бир сўхатгоҳнинг ўзига хос жиҳат-



лари бор. Ушбу санаторийнинг турдош муассасалардан фарқи нимада?

– Одатда санаторийлар тоғли ҳудудларда фаолият кўрсатади, – дейди муассаса директори Нодир Камолов. – Бу айрим қон босими банд инсонлар учун нуқулаллик тугдиради. Бундай инсонлар учун «Жўйзар» айтиш мумкин.

Дарвоқе, муассасанинг нима учун «Жўйзар» деб номланиши ҳам кўпчиликини қизиқтириши табиий.

– Санаторий олдида Жўйзар ариғи оқиб ўтади. Бу зар ариқ маъносини беради, – дейди Нодир Камолов. – Ариқ суви нийоҳияда шифобахш бўлиб, кўплаб асаб, тери касалликларини бартараф қилади. Ёз мавсумида бу ерга республика миқдорида бarcha вилоятларидан, хатто хориждан ҳам чўмилиш учун келишади.

ҚАНДАЙ МУОЛАЖАЛАР БОР?

Сўхатгоҳга бораётган кишини биринчи галда бу ердаги муолажалар тури ва сифати қизиқтириши табиий. Ушбу соғломлаштириш мажмуаси юрак, қон-томид, ҳаракат-таянч, овқат ҳазм қилиш, неврологик, гинекологик ва урологик касалликларни даволашга ихтисослашган. Даволанувчилар тор доирадаги мутахассислар – терапевт, кардиолог, стоматолог, гинеколог, уролог, физиотерапевт шифокори кўригидан ўтади. ЭКГ, УТТ ҳамда лаборатор ва диагностика текширувдан ўтказилади. Электрофорез, гальванизация, умуртқа поғонасини компьютерли мослама орқали тортиб даволаш, парафин

Ўқув

либ, бой тажрибага эга етакчиларнинг мавзуга оид қимматли мулоҳаза ва таклифлари тингланди.

Касба уюшмаларининг нуфузини ошириш, обрўсини кўтариш мақсадида бу йилдан бошлаб ўқув дастурига «Имжеология. Касба уюшмаси ташкилотининг имижиси» тўғрисида янги мавзу киритилгани, айниқса, аҳамиятга молик жиҳат бўлди.

Амалий машғулот жараёнида тингловчилар «Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи» АЖ ва корхона касба уюшма кўмитаси фаолияти билан танишди.

Корхонада қишлоқ ҳўжалик машиналари – трактор, комбайнлар ишлаб чиқарилмоқда. Тармоқ касба уюшма фаоллари ишлаб чиқаришдаги янги цехлар билан танишдилар, шунингдек, ушбу йўналишдаги машиналар кўргазмасига ташриф уюштирилди. АЖ касба уюшма кўмитаси раиси Баҳодир

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Меҳнат муҳофазаси ойлиги» доирасида «Artel Роҳат» маиший техника ишлаб чиқариш корхонасида учрашув ташкил этди. Иштирокчилар корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши билан яқиндан танишдилар.



ҚУЛАЙ МЕҲНАТ ШАРОИТИ АСОСИЙ ВАЗИФА?

– Ушбу ҳудудда хизмат кўрсатиш марказининг асосий офиси жойлашган бўлиб, корхонада совутигч ва кир ювиш машинаси, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади, – дейди «Artel Роҳат» корхонаси ҳуқуқшуноси Тохир Маҳмудов. – Корхона ташкил топганидан то ҳозирга қадар ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш асосий вазифа ҳисобланади. Уларга ишдан уйга ва уйдан ишга хавфсиз ҳамда қулай этиб олишлари учун махсус транспорт воситалари ажратилган, бепул тушлик, ижтимоий пакет, яъни ойда

бир марта зарурий озиқ-овқат, саломатлик учун хавфли ишда ишловчиларни сут ва сут маҳсулотлари, санитар-гигиеник ва шахсий ҳимоя воситалари, махсус иш кийимлари ва бошқа зарурий анжомлар билан таъминлаш йўлга қўйилган.

МУТАХАССИС: «БИЗДА ИЧКИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ БОР»

Учрашувда таъкидланишича, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид ишлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меҳнат қонунчилигига оид ҳужжатлар асо-

сида тартибга солинади. Барча ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларида уч босқичли жамоат назорати йўлга қўйилган. Иш жараёнининг оғирлиги ва жароҳатланиш эҳтимоли юқорилигини инобатга олган ҳолда, уларни техник тартибга солиш мақсадида барча иш ўринлари аттестациядан ўтказилган.

Ишловчилар йилда бир марта таъбиий кўриқдан ўтказиб турилади, шунингдек, микроклимат шароитлари белгиланган меъёрга сақланишига эътибор қаратилади. Иш самарадорлигини ошириш мақсадида «Ойнинг энг яхши ишчиси» аниқланиб, ташаккурнома ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади. Шикастланишлар ва соғлиқ бўйича шикоятлар мониторингининг ягона тизимига кўра ҳар ой охирида барча шикоятлар ўрганиб чиқилади.

Тадбир сўғида иштирокчилар ишлаб чиқариш цехида корхонада ишловчи ходимларнинг меҳнат шароити, меҳнат хавфсизлиги талаблари, корхонадаги иш жараёнининг боришини ўз кўзлари билан кўриб, цех ичида ҳаво айланиши, иситиш тизими, ёруғлик тушиши, конвейерлар орқали ўтаётган маиший техника воситаларининг тайёрланиши ҳамда ишчиларнинг вазифаларига оид маълумотларга эга бўлишди.

Аъзам АБУЛФАЙЗОВ
«Ishonch»

Дам олиш масканларида

бемаза бўлади, деб ўйлашади. Бизнинг таомномамиз дам олувчиларнинг тўғри овқатланишига муносабатини ўзгартиради. Парҳез овқатлар кишини тетик тутишга, соғлом бўлишга, узок умр кўришга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, муассаса ошпазлари ҳар кун минерал ва витаминларга, оксилларга бой, турли парҳез таомларни тақдим қилишади. Қизил лаваги мураббоси, қуритилган мевалардан тайёрланган шарбатлар, сабзи ва қарамли салатлар, балик ва товуқ гўштидан бугда пиширилган таомлар, сут маҳсулотлари бир-биридан ширин. Уларни тановул қилган киши «Энди доим шундай овқатланаман» деган фикрга келади.

ЭЪТИРОФ

Санаторийда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан дам олувчиларни учратиш мумкин. Кейинги пайтларда эса хориждан ҳам даво излаб келувчилар сони ортомқда.

– Ўтган йили ушбу санаторийда дам олган дўстларимиз бу ерни жуда мақташди, – дейди саратовлик Марина Джавридзе. – Шу боис турмуш ўртоғим Александр Ефимов иккалаимиз машинада «Қайдасан, Бухоро» дея йўлга тушдик. Бу ерда муолажалар олиш билан бирга, ҳар кун тушдан сўнг шаҳарни томоша қилишга чиқаямиз. Ҳақиқий эртақ, мўъжизанинг ўзгинаси! Ёнжудов қабоби, бухороча сўфи ошнинг таъми оғзимизда қолди. Санаторийдаги шароитлар, одамларнинг муносабатлари ҳам аъло даражада

АҲИЛ ЖАМОА

Дарҳақиқат, табиёт ходимининг муомала маданияти хизмат сифатини таъминлашда улкан ўрни тутади. Муассаса невропатолог Илҳом Тўраев, терапевт Собир Муҳаммадиев, уролог Ўлмас Шодиев, УТТ шифокори Бахтиёр Худоев, гинеколог Мавлуда Мақсудова каби ўн нафарга яқин фидойи шифокорлар, бош ҳамшира Лайло Шаропова бошлиқ Дилбар Амонова, Дилфуза Аслонова, Ноъзими Сайфиддинова каби ўрта таъбиёт ходимлари, ошпазлар дам олувчиларни рози қилиш учун билимларини, меҳрларини, меҳнатларини аямаллилар.

Нигора ҳам соғломлаштириш масканидан дардларидан фориғ бўлган ҳолда қайтди. У бундан кейин ҳар йили санаторийга бориб, саломатлигини мустаҳкамлашга аҳд қилди.

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА
«Ishonch»

Ҳамкорлик бор жойда иш олға силжийди. Буни дилдан англаган фарғоналик бир гуруҳ журналистлар ижодий тажриба алмашиш мақсадида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти меҳмони бўлишди. Улар дастлаб тахририят фаолияти билан яқиндан танишиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Сўнгра матбуотимизнинг таниқли вакиллари, водийлик ҳамкасблар иштирокида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Олдга ташланган қадам

Мулоқотни «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов бошлаб берди:

– Миллий журналистикамиз вакиллари ўртасида ижодий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ниҳоятда ижобий ҳолат. Шу маънода Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимининг ташаббускорлиги таҳсинга лойиқ. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ахборот майдонидан ўрин эгаллаш осон эмас. Тезкорлик, креатив ёндашув, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиқиш журналистиканинг асосий куроли ҳисобланади. Тахририятимиз шу мақсад сари интилмоқда. Жумладан, газеталаримизда жамиятимизнинг оғриқли масалаларига оид танқидий-таҳлилий мақолаларни чоп этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бундан қўзланган мақсад шуки, юзага келган муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, шу орқали муаммоларга ечим топиш. Матбуотдаги чиқишларга кўплаб мутасаддиларнинг лоқайд муносабати кишини ташвишга солади. Бу эса янада изланиш ва ташаббускорлиқни талаб қилади.

– Ўзбек матбуоти ҳозир том маънода синов даврини бошдан кечиряпти. – деди тадбирда сўз олган устоз журналист, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов. – Бугун оммавий ахборот воситаларига талаб ўзгарди. Журналистнинг обрўси пайсайдани ҳақида кўп гапириляпти. Бунга ким айбдор? Ҳеч шубҳасиз ўзимиз. Ўз-ўзимизга савол берайлик-а: журналистнинг фаоллиги етарлими, у ке-



чаётган шиддатли жараёнга мос ҳаракат қила олаётими, юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тезкор ёрита олаётими?.. Афсуски, буларга «ҳа» деб жавоб бериш қийин.

Шу билан бирга эътироф этиш жоизки, нашрларимизда жонланиш сезилаётир. Танқидий, чуқур таҳлилга, жонли фикрга эга материаллар кўпаймоқда. Ўқувчи учун аҳамиятсиз бўлган тадбирларни ёритиш, саҳифаларни қуруқ, қизиқарсиз ахборотлар билан тўлдиришдан маълум даражада воз кечилгани ҳам бунинг исботи. Аммо бу етарли эмас. Матбуотнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун ҳали анча жиддий ҳаракат қилишимиз, янгича ёндашувга эга бўлишимиз талаб этилади.

– «Интернет ривожланган ша-

роитда босма нашрларга эҳтиёж борми?», деган савол бот-бот кун тартибига қўйилляпти, – дея баҳсни давом эттирди «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Чори Латипов. – Хўш, жамиятни матбуотсиз тасаввур қилиб кўрсак, қандай оқибатлар билан юзма-юз келишимиз мумкин? Биринчи

– Матбуотимиз, умуман, журналистикамиз кўплаб муаммолар билан тўқнаш келаётганига қарамай, дадил ривожланишда давом этмоқда, деб айтишга барча асослар етарли, – дея сўхбатга қўшилди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Муҳам-

маджон Обидов. – Эртанги кунга умид уйғотадиган муждалар кўп. Жумладан, ishonch.uz сайтини доимий кузатиб бораман. Унда кўплаб танқидий-таҳлилий материаллар эълон қилинмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, бошқа нашрларда чоп этилган долзарб мавзудаги мақолаларнинг сайтдан жой олаётгани, тўғрироғи, тарғиб қилинаётгани фойда кувончили.

Бугун интернет журналистикасини матбуот журналистикасидан устун қўйиш ҳолатлари бор. Бундай қарашдаги инсонлар бир жиҳатни эсдан чиқараётир. Кунга кеча Сурхондарё ви-



лояти газетаси тахририяти фаолияти билан танишганимизда, газетанинг кўп йиллик таҳаммули, жумладан, саксон беш йил олдин чиққан сонлари жамланмаса сақланаётганига гувоҳ бўлдик. Бу – тарих. Уларда ўша даврнинг руҳи муҳрланиб қолган, уни ўчириб



бўлмайди. Ваҳоланки, интернет сайтларига эрталаб қўйилган материал кўп ҳолларда тушдан сўнг олиб ташланади. Шундай экан, матбуот ўзининг кўп йиллик тажриба ва аъёналарини ҳимоя қилиши, журналистиканинг ҳақиқий тимсоли сифатида халқимиз қалбидан қайта жой эгаллаш имкони

Ижодий мулоқот

олиши, ҳамкорликда ушбу тизимни мукаммал йўлга қўйиш чорасини излаб топиши ҳақида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, нашрларни тарқатиш бўйича барча кучни бир жойга жамлаб, ахлит бир корпоратив тузилма вужудга келтирилса, бу муаммага ечим топилиши мумкинлиги қайд этилди.

Учрашувда «Оила даврасида» газетасининг бош муҳаррири Хусниддин Бердиев, «Ферганская правда» газетаси бош муҳаррири Гулбаҳор Саидғаниева, «Нуроний» газетаси бош муҳаррири Олимжон Ўсаров, «Фарғона ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Набижон Собиров ва бошқалар сўзга чиқиб, матбуотимиздаги ютуқ-камчиликлар, босма нашрларни ривожлантириш борасида қизиқарли фикрларни билдиришди.

Ҳамкасблар ўртасида кечган самимий мулоқот жараёни миллий матбуотимиз тараққиёти йўлидаги амалий сўз-ҳаракатларнинг яна бир намунаси сифатида тарих саҳифаларига муҳрланса, ажаб эмас.



Тўлқин ШЕРПАЕВ
«Ishonch»

Қонунни луғатдан ўрганаёйликми?

ёхуд «мувозий» сўзининг маъносини излаб...

Қонун ким учун чиқарилади? Қандайдир юридик талаб ва қоидаларга кўр-кўрона эргашиб ҳуқуқий ҳужжатлар тили ғализ ва мубҳам эканини оқлаш воситасими? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот котиби ўринбосари Жасур Кенгбоевнинг «Қонуннинг ўзига яраша талаблари бор» сарлавҳали мақоласи менда шундай саволлар уйғотди. Таъкидлаш жоизки, «Ishonch»нинг шу йил 29 январдаги сонидан эълон қилинган ушбу мақола кишида «қонунлар матни қуруқ, зериқарли, оммага тушунарсиз бўлса ҳам бўлаверади», деган таассурот уйғотди.

Мақолани ўқигач, ўқувчилик чоғимдаги бир ҳолат эсимга тушди. Мактабда Конституциямизни ўрганганимизда Бош Қомуснинг 12-моддасида ишлатилган «сиёсий институтлар» деган иборага сира тушулмаганман. Ушанда «ўқув дароғининг модда мазмунига нима дахли бор?», деб ўйлаганман. Амминанки, «институт» деганда болалар туғул кўпчилик катталарининг ҳам кўз олдида фақат ўқитувчилар талабаларга дарс ўтадиган жойгина келади. Шундай экан, қонунчилик ҳаётий зарурат саналган асосий қонунимизда аксарият кишилар ҳазм қилолмайдиган бундай атаманинг қўлланиши шартмикан?

Конституциянинг 7-моддасидаги «мувозий таркиблири» жумласи эса ундан ҳам ошиб тушади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида айтилишича, «мувозий» – келиб чиқиши арабча бўлган, «тенг», «баробар» деган маъноларни билдирувчи сўз. Унинг муқобили «параллел» дир. Хўш, ушбу эскирган сўзнинг маъносини кўпчилик тушунадими? Одамлар Бош Қомусимизни тилшунослик луғатлари орқали ўқиб ўрганиши керакми?

Энди бевосита мақолага тўхталадиган бўлсак, муаллиф қонунлар тилининг халқона бўлиши лозимлиги ҳақида мулоҳаза юритган олима Мухайе Исмоилова алкагани ҳолда унинг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний таъхилотлар тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Меҳнат кодексига билан боғлиқ асосли мулоҳазаларига, негадир, муносабат билдирмаган. Ахир, филолог диққатимизни қаратган мисоллар ортида қанчадан-қанча муаммолар ҳамда уларни

келтириб чиқараётган катта-ю кичик омиллар ётибди-ку!

Аксарият қонун ҳужжатларида узундан-узун баёнларни кўп учратиш мумкин. Чунончи, Меҳнат кодексининг 256-моддасида хат боши бўлган гапнинг эгаси, образли айтганда, Машиқда, кесими эса Магрибда.

Дарҳақиқат, катта-катта жумалар, ортиқча «ва»ю «ҳамда»лар, «томонидан» сўзининг ҳудда-бехудда ишлатилиши, «ҳақли эмас» тарзидagi гайриўзбекча ифода ва шу кабилар юридик ҳужжатлар тилини дағаллаштиради, ўқувчи диққатини су-сайтиради. Баёнинг ўта расмийлиги, монотонлиги кишини зериктиради. Қизиғи, бу жиҳатни Жасур Кенгбоев ҳам «...қонунлар битилган матнлар бироз зериқарли, бир қолипда бўлиши мумкиндир...» дея таъкидлайди. Аммо «зериқарли» дегани ўша манбани биров ўқимаслигини, уни ўқишга қизиқиш йўқлигини аниқламайдими? Унда кўпчилик ўқимайдиган, тиши ўтмайдиган қонуннинг нима ҳолати бор? Унда қонун ким учун чиқарилади? Фақат тор доирадаги мутахассислар учунми?

Ҳуқуқий ҳужжатлар тилининг мураккаблиги, улар матнида хос иборалар қўлланиган етмагандек, жумлалардаги грамматик, услубий, орфографик хатоларга нима дейсиз?!

Меҳнат кодексининг 285-моддасига эътибор беринг: «**Вактинча меҳнатга қобилиятсизлик нафаси қасал бўлинганда, меҳнатда майиб бўлган** ёки бошқача тарзда **шикастланганда**, шу жумладан, турмушда **жароҳатланганда**, оиланинг бетиб ёъзосини парваршиш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланган».

Модданинг илк жумласидеъ услубий хатони кўрасиз. Бу ерда «вақтинчалик меҳнат» назиқда тутилляпти, деган маъно келиб чиқмоқда. Аслида, «меҳнатта вақтинча қобилиятсизлик» бўлиши лозим. Яъни «меҳнат» эмас, «қобилиятсизлик» «вақтинча».

Бундан ташқари, «майиб бўлган», «шикастланганда», «жароҳатланганда», «парваршиш қилганда», «даволанганда», «протез қилинганда» жумлалари кимга нисбатан ишлатилгани мавҳум. Тўғри, бу саволга олдинги ва кейинги

моддаларга қараб жавоб топиш мумкин: Яъни ҳодимга! Аммо, барибир, гап ким ҳақида кетаятгани шу модданинг ўзидан ифодаланса, ўринли бўларди.

Яна бир гап. Тилимиз қонуниятларига кўра, «касал бўлинмайди», балки кимдир «касал бўлади». Устига-устак, «бўлинганда» – «бўлган», «қилганда» – «қилинганда» – «қилинганда» каби такрорлар энсани қотиради. Табиийки, бундай яқранглик кишини зериктиради.

Қолаверса, «шунингдек» сўздан сўнг вергул қўйилишини мактаб ўқувчиси ҳам билади.

Юридик ҳужжат матнидаги қуйидаги жумлаларни шарҳлашнинг эса ҳолати йўқ: «Меҳнат интимино ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва муқофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур таъхилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ҳодимларга нисбатан жазо чораларини қўлланиш орқали таъминланади» (Меҳнат кодекси, 179-модда); «**Аёллар меҳнатини қўлланиш таъхилин билан ишлар**»

Меҳнат шароити нуқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш таъхилин билан ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маъшиий хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир» (Меҳнат кодексининг 225-моддаси).

Дарвоқе, мақолага муаллиф «парламентда тил қоидаларига, атамаларга, стилистика масаласига иккинчи даражали вазифа сифатида қаралмаслигини», парламент таркибидagi Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси изчил фаолият юритаётганини таъкидлаган. Ўша комиссиянинг иш тутуми, аслида, қай даражада самара бераётганини билмадиг-у, ҳар ҳолда Мухайе Исмоилова бекорга «Қонун тили халқона бўлса...» дея қўйга қалам олмаган. Ўз навбатида, юқорида қайд этган мисоллар – аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, қонунларимизни она тилимиз қонуниятлари асосида тахир қилиш лозим. Бу уларнинг ҳаммага тушунарли бўлишига хизмат қилади.



Рустам ИБРОХИМОВ
«Ishonch»

Муносабатга муносабат

Одам бошли бахайбат шер – сфинксни кўпчилик яхши билади. У қадимги Миср эҳромлари ёнида жойлашган. Улар дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида эътироф этилади. Шу боис, бу ерга келувчи сайёҳларнинг сон-саногий йўқ. Қоҳирадаги Миллий музейда афсонавий фиръавн Тутанхамоннинг мўмийланган ва соф олтиндан ясалган 450 килограммлик тобути энг ҳайратланарли экспонатлардан бири ҳисобланади.

Икки қитъа хазинаси

Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳрида расман ўн саккиз миллион нафардан зиёд киши яшайди. Унинг қоқ ўртасидан дунёдаги энг узун Нил дарёси салобат билан оқиб ўтади ва Ўрта Ер денгизига қўйилади. Бу азим шаҳардан беш юз километр узокликда яна бир мўъжизавий маскан бор. У «Шоҳлар дам олади» деган маънони англатувчи Шарм аш-Шайх шаҳридир. Дам олиш маскани бўлган ушбу мўъжизага шаҳарда ҳеч ким муқим яшамайди. Чунки шаҳардаги икки юздан ортиқ меҳмонхоналарда сайёҳлар ва уларга хизмат кўрсатувчилар истиқомат қилади, холос.

Ўтган асрнинг охирида Синай ярим оролига туташ Қизил денгиз қирғоғида жойлашган қадимги Офира қишлоғида бир-бирдан шинам ва гўзал меҳмонхоналар қурилиши натижада ҳозирги гўзал шаҳар пайдо бўлган. Бу ерга турли мамлакатлар, айниқса, Россиядан жуда кўп сайёҳ келган. Бироқ 2015 йилнинг 31 октябрида Синай ярим оролида «Боинг – А 321» самолёти уриб туширилгандан сўнг Россиядан Мисрга авиапарвозлар тўхтатилди. Бу Мисрнинг туризм соҳасига жуда катта зиён етказди. Чунки Мисрда туризм жуда ривожланган бўлиб, давлат ундан катта фойда кўради. Эҳромлардан ташқари, 1869 йил очилган 173 километрлик Сувайш канали ҳам мамлакат иқтисодиётига яхшигина даромад келтиради. Чунки у Осиё ва Африка қитъасини бир-биридан ажратиб туради. Шу боис Мисрни ҳақли равишда «Икки қитъа хазинаси» дея таърифлашади.

Айни пайтда бу ерга дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Австралия ва Бразилиядан ҳам сайёҳлар келмоқда. Гарчи Австралия ва Бразилияда иқлим иссиқ ва мўътадил бўлиб, ён-атрофида денгизлар кўп бўлса-да, Қизил денгизнинг тиниқлиги ҳамда денгиз мавжудотлари, айниқса, маржонлари дам олувчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Денгиз бўйида жойлашган ажойиб меҳмонхоналарни баланд хурмозорлар (уларнинг бўйи беш қаватли бинолардан ҳам баланд) ўраб олган. Бундан ташқари, пальмазорлар ва ранг-баранг тропик ўсимликлар ҳам ғаройиб ва гўзал манзара касб этган. Ҳавоси шу қадар мусаффо ва денгиз суви шу қадар тиниқки, киши эллик метр чуқурликдаги турли-туман бақилар ва маржонларни бемалол томоша қилиши мумкин.

Шарм аш-Шайхдаги рестороанларда буғда пишириладиган парҳез таомлар тайёрланади.



Бу қовурилган овқатларга ўрганган инсонларнинг нозуқлайлик туғдириши мумкин. Бироқ турли тропик мевалар ва кўкатлар бунинг ўрнини тўлдириши мумкин.

Хуллас, қулай табиий иқлими ва юқори даражадаги хизмат кўрсатиш инфратузилмаси боис Миср сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Туризм соҳасида Миср таърибасидан ўрганилган жиҳатлар бисёр.


Дарвоқе, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси юртдошларимизнинг ҳам дунёдаги энг қадимий ва афсонавий давлатларидан бири бўлган Мисрга саёҳат қилиши учун қулай шароит яратишга ҳаракат қилмоқда. Бунга келгуси ойдан бошлаб Тошкентдан Шарм-аш-Шайх ва Хургада шаҳарларига ҳаво қатновининг йўлга қўйилаётгани ҳам яққол тасдиқлайди. Эндиликда ўзбекистонликлар ҳам Мисрнинг ноёб тарихий обидалари ва гўзал дам олиш масканлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА

Муҳим мавзу

қўйилганди.

Озода РЎЗИКУЛОВА
«Ishonch»



Аъзам БЕК



Алижон НЕЪМАТОВ

Тадбир

Ўз мухбиримиз





Таълим

ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАДИ Уни қачондан бошлаган маъқул?

Инсон табиати қизиқ: ёшлигида беҳуда сарфлаган вақт қадрини анча йил ўтгач, вақтни ортга қайтариб бўлмайдиган даврга келиб англаб этади. Ёши катта кишиларнинг «Агар ёшлигим қайтиб келса, мана бу ишни қилган бўлардим, мана бу хатони такрорламасдим» деган сўзлари ҳам фикримизни исботлайди.

Демак, бола иқтидорини эрта аниқлаб, уни ривожлантиришнинг самарали усуллари қўллаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу давланинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида бочча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини аққол кўрсатиб турибди.

Америкалик олимлар «яхши натижага эришиш учун чет тилларини неча ёшдан ўрганишни бошлаш керак?» деган саволга жавоб излаб, махсус тадқиқот ўтказишди. Улар бунинг учун турли жинс, ёш ва миллат вакилларида иборат 670 минг нафар кўнгиллининг маълумотларини ўрганиб чиқишди. Синовда қатнашганларнинг энг кичиги 10, энг каттаси 70 ёшда бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра, хорижий тил болалиқда — ўн ёшгача бўлган даврда яхши ўзлаштирилган экан. Албатта, ёши улугларда ҳам ўрганиш қобилияти сақланиб қолади, бироқ чет тилини асл тил эгалари даражасида ўзлаштириш учун ҳаракатни болалиқда бошлаш зарур. Бироқ бунда ҳам меъёрга амал қилган мақул. Чунки бола психологияси ва қизиқишларини инobatта олмаслик салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу борада ҳам тегишли мутахассисларнинг маслаҳат ва тавсияларига амал қилиш керак.

Халқимизнинг тил билган эл билади, деган мақоли замирида катта маъно мужассамлашган. Унинг маъноси бугунги глобаллашув даврида янада тийранлашмоқда. Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатишга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда. Хусусан, болажонларга

инглиз тилини ўргатиш борасида кенг қўлмалли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чет тили ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, таълим жараёнида чет тилларини босқичма-босқич замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услублари жорий этилмоқда.

Янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида дарслик ва ҳамда мажмуалар яратилди. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун инглиз тилида дарслик-мажмуалар, ўқитувчилар учун методик қўлланмалардан иборат мультимедияли иловалар шулар жумласидандир. Ушбу ўқув методик мажмуаларда халқимизнинг миллий менталитет, қадрият ва урф-одатларимиз акс этиши билан бир қаторда чет тилини ўрганиш ва она тилимизнинг хусусиятлари ҳам инobatта олинган.

Ушбу дарсликлар замонавий дизайни, ранг-баранг, қизиқарли иллюстрацияси ўқувчида тил ўрганишга катта қизиқиш уйғотади. Қолаверса, машғулотлар озғак нутқни ўстириш мақсадида интерфаол усуллардан фойдаланиб, ўйин тарзида, электрон доскалар ёрдамида олиб борилади. Дарсликларда аниқ фанлар, ижтимоий гуманитар фанлараро боғланишлар ҳам назардан четда қолмаган. Ушбу мажмуанинг таркибий қисмида ҳатто ота-оналар учун ҳам фарзандлари билан уйда вазифа бажаришлари учун тавсиялар берилган. Бу ўқитувчида дарс жараёнини такомиллаштириш, ўқувчида эса тилни мукаммал ўзлаштиришда қўл келади.

Ўқитувчиларнинг билим ва маҳоратини ошириш мақсадида тизимда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу биз каби ўқитувчилар учун аини муддао бўлмоқда.

Сирасини айтганда, таълим тизимида олиб борилаётган тизимли ишлар ўсиб келаётган ёш авлодининг тафаккури бой, салоҳияти юксак, замонавий илм-фан сирларини чуқур ўзлаштирган баркамол шахс сифатида камол топишига хизмат қилажак. Зеро, билим ўфқи кенг, интеллектуал салоҳияти юксак, етук маънавиятли ёшлар Ватанимизнинг ёрқин келажагидир.

Дилноза ЯКУБОВА,
Юнусобод туманидаги 86-умумтаълим мактаби ўқитувчиси



Жиззах вилояти

Тарғибот

Осойишта ҳаётимиз омили

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Чоршанба – ёнгинлар профилактикаси кун» деб эълон қилиниши юртимиз тинчлиги, халқимиз osoйишталигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва мол-мўлкини ёнгиндан асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ ҳам мазкур тадбирни уюшқоқлик билан ўтказмоқда. ЁХБ раҳбарияти ва ходимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Бахмал, Дўстлик, Фориш, Зафаробод, Зомин каби туманларда профилактик тадбирларни амалга оширди. Жумладан, Бахмал туманидаги «Узунбўлоқ» ҚФЙда жойлашган маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ва 57-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшлар ва ота-оналар билан учрашув ўтказилди.

– Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда, – дейди Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ бош-



лиғи, майор Тўлқин Мамадиёров. – Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини кенг оммага тарғиб этиш мақсадида Бахмал туманида маҳалла йиғинлари, қишлоқ кенгашларида 18, корхона-ташкilotларда 12, қишлоқ врачлик пунктларида 6 та суҳбат ва йўриқномалар ўтказилди. Амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатаётганини ўтган даврда туманда бир маротаба ёнгин ҳолати қайд этилгани ҳам аққол исботлайди. Ёнгинлар профилактикаси кунинида ушбу ёнгин муҳофазаси ҳам ўтказилиб, унда электр ускуналарини назоратсиз қолдиришнинг аянчли оқибатлари ҳақида сўз юритилди. Фуқароларга ёнгин хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган эслатма ва буклетлар тарқатилди.

Тахлиллар ёнгинларнинг асосий қисми яшаш уйларида содир бўлаётгани, бунга иситиш печлари, электр ускуналари, оловдан эҳтиётсизлик ва болалар шўхлиги асосий сабаблар бўлиб қолаётганини эътиборга олиб, ўтказилаётган ҳар бир учрашувда фуқароларга кундалик ҳаётда тез-тез учрайдиган носоз ва қўлбола электр иситиш печларидан фойдаланмаслик, электр ускуналарини назоратсиз қолдирмаслик, очик оловдан фойдаланишда белгиланган жойларда, эҳтиёт чораларини қўлланган ҳолда фойдаланиш, ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслик каби ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш борасида тушунтиришлар берилмоқда.

Озод БОЙМУРОВО,
Бахмал тумани ЁХБ бошлиғи

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади

№ 2019-07

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 26 февраль

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги мuddат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;
2-тип: 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;
1. Тендер иштирокчилари

қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини кири-тишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лой-

иҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини кири-тишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга му-

вофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Сурхондарё вилояти Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй Телефон: (76) 223-44-73 Факс: (76) 223-44-78	Бухоро вилояти Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 6-уй. Телефон: (65) 223-96-29 Факс: (65) 223-97-51
--	---

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«_____ вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та яққа тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сурайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Сурхондарё вилояти Банк: «Хамкор банк» АТБнинг Термиз филиали. ИНН: 202 574 427 х/р: 2021 0000 504 272 552 001	Бухоро вилояти Банк: «Ипотека-банк» АТБнинг «Сардор» филиали, ИНН: 202435424 х/р: 2021 0000 9035 5090 9001
---	---

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига Тендер таклифларининг олиниши таклифлар тақдим этишнинг охириги кунинида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг олиниши таклифлар тақдим этишнинг охириги кунинида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Сурхондарё вилояти ҳокимияти Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй Телефон: (76) 223-44-73 Факс: (76) 223-44-78	Бухоро вилояти ҳокимияти Манзил: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй. Телефон: (65) 223-96-29 Факс: (65) 223-97-51
--	--

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:					
Уй типлари	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²
0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар	150 000 000	120 000 000	30	50	120
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎХАТИ

Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.)		Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
				сони	хонадон	уй рақами	сони	уй рақами	
ЖАМИ			108	4	96		12		
Сурхондарё вилояти			12				12		
506	Шўрчи	Гулистон	6				6	19-24	2019 йил 28 март 11:00
507	Бойсун	Бошрабат	6				6	25-30	2019 йил 28 март 11:30
Бухоро вилояти			96	4	96				
508	Бухоро	Работак	24	1	24	1			2019 йил 28 март 11:00
509	Бухоро	Работак	24	1	24	2			2019 йил 28 март 11:00
510	Когон	Шўробод	24	1	24	1			2019 йил 28 март 11:30
511	Когон	Шўробод	24	1	24	2			2019 йил 28 март 11:30

Изоҳ: 1. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 январдаги №15-16 (4145) сонидида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК томонидан берилган 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари №2019-03нинг Сурхондарё вилоятидаги Лот №322 Шўрчи тумани «Элбаён» аҳоли пунктида 6 та уйга ҳамда Лот №323 Шўрчи тумани «Элбаён» аҳоли пунктида 6 та уйга берилган эълон бекор қилинади.

2. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 15 январ-

даги №7-8 (4137) сонидида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК томонидан берилган 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари №2019-01 нинг Бухоро вилоятидаги Лот №4 Бухоро тумани «Ўзбекон» аҳоли пунктида 24 та уйга, Лот №5 Бухоро тумани «Ўзбекон» аҳоли пунктида 24 та уйга, Лот №6 Бухоро тумани «Хукуматобод» аҳоли пунктида 24 та уйга ва Лот №7 Бухоро тумани «Обод Чуқуркўл» аҳоли пунктида 24 та уйга берилган эълон бекор қилинади.

Эълон

АТ Халқ банки Тошкент шаҳар филиали банкдан ташқари махсус кассалар ташкил этиш мақсадида замонавий буткалар яса-тиш бўйича танлов эълон қилади.

Мурожаат учун телефон: 0 (371) 281-47-13

Хизматлар лицензияланган.

